

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУМАЕВ РУСТАМ ҒАНИЕВИЧ**

**XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА БУХОРОДА ИЖТИМОЙ-  
СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ  
(АҲМАД ДОНИШНИНГ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ МИСОЛИДА)**

**23.00.01 – Сиёсат назарияси ва фалсафаси.  
Сиёсий таълимотлар тарихи ва методологияси**

**СИЁСИЙ ФАҢЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Content of dissertation abstract  
of Doctor philosophy (PhD) on political sciences**

**Жумаев Рустам Ганиевич**

XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухорода ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг илмий-назарий таҳлили (Аҳмад Донишнинг сиёсий қарашлари мисолида).....3

**Жумаев Рустам Ганиевич**

Научно-теоретический анализ социально-политических процессов в Бухаре во второй половине XIX века (на примере политических взглядов Ахмада Дониша) .....21

**Jumaev Rustam Ganievich**

Scientific-theoretical analysis of socio-political processes in Bukhara in the second half of the 19<sup>th</sup> century (on the example of the political views of Akhmad Donish).....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУМАЕВ РУСТАМ ҒАНИЕВИЧ**

**XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА БУХОРОДА ИЖТИМОЙ-  
СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ  
(АҲМАД ДОНИШНИНГ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ МИСОЛИДА)**

**23.00.01 – Сиёсат назарияси ва фалсафаси.  
Сиёсий таълимотлар тарихи ва методологияси**

**СИЁСИЙ ФАҢЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Ss20 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифасида ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Жўраев Нарзулла Қосимович**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Равшанов Фазлидин Равшанович**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Полванов Неъматжон Тўраевич**  
тарих фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: [pauka@nuu.uz](mailto:pauka@nuu.uz). Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.И.Пахрутдинов,**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
с.ф.д., профессор

**О.Р.Мусаев,**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби  
ф.ф.д., (DSc).

**Б.Т.Тўйчиев,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, ф.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XIX аср иккинчи ярми ва XX аср боши дунё халқларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий тараққиётида муҳим тарихий-сиёсий босқич ҳисобланади. Айнан ушбу тарихий-хронологик чегарада сиёсий қарашлар ва уларни амалга татбиқ этиш борасидаги жараёнлар, яъни назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш жараёнларида мурасасиз зиддиятлар кучайган. Бу жараёнларда жамиятда юз бераётган чуқур ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар олимлар, публицистлар ва сиёсатчиларнинг эътиборини ўзига жалб қилди. Шу давр намояндалари Европа тамаддуни дунёқарашини, ижтимоий-сиёсий тафаккурига ҳам амалий фаолиятлари, ҳам асарлари билан ҳисса қўшган. Либерал дунёқарашнинг шаклланишига Европа ва Америка маърифатпарварлик мактаблари вакиллари, француз физиократлари, Англия Манчестер мактаби вакиллари, немис классик фалсафаси намояндалари катта ҳисса қўшдилар. Шунингдек, бу замонда ижтимоий ислохотларга ишонч ўша даврдаги ғарбликларнинг сиёсий тафаккурида устувор қараш ҳисобланган.

Дунёдаги, жумладан, Шарқ мамлакатларидаги кўпгина илмий марказлар томонидан Марказий Осиёдаги, қолаверса, Ўзбекистонда XIX асрда яшаб, илм-фан ва маданият тарихида ўчмас из қолдирган мутафаккирлар, жамиятшунос, маърифатпарвар, сиёсат ва жамоат арбобларининг табиий ва аниқ фанлар ҳамда жамият ва давлат бошқаруви соҳасида илмий мероси ўрганиб келинмоқда. Жумладан, етук олим, шоир ва мусаввир, хаттот, муҳандис номини олган Аҳмад ибн Мир Мансур ибн Юсуф ал-Ҳанафий ас-Сиддиқий ал-Бухорий “Дониш” (1827-1897 й.) ижодий меросини сиёсий-тарихий контекстда илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш сиёсий фанлар олдидаги долзарб вазифалардан ҳисобланади. Аҳмад Донишнинг давлат ва жамиятнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари, сиёсий илдизлари ва хусусиятлари ҳақидаги яхлит концепциясини, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, модернизациялаш, бошқарувни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, муҳофаа ва ташқи сиёсатни мустаҳкам илмий асосда йўлга қўйиш борасидаги илмий қарашларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аҳмад Дониш шахсига фақатгина адиб ва тарихчи олим сифатида баҳо бериш бирёқламаликка сабаб бўлиши исбот талаб қилмайди. У кишининг илмий-маънавий мероси анча кенг қамровли эканлиги ҳақиқатдир. “Дарҳақиқат, ўтмишда қанча-қанча синов ва қийинчиликларга дуч келмасин, Бухорои шарифнинг илм-маърифат, маданият ва санъат дарёси ҳеч қачон тўхтаган эмас. Бу кўҳна юртда туғилиб ижод қилган Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний сингари кўплаб маърифат фидойиларининг ибратли ҳаёти бугунги кунда ҳам юртимизда янги жамият барпо этиш, баркамол авлодни тарбиялаш, маънавиятимизни юксалтиришда бизга беқиёс куч бағишлаб келмоқда”<sup>1</sup>. Аҳмад Дониш фаолиятидаги сиёсий ва ижтимоий қарашлар тизимини мустақил тадқиқот доирасида ўрганиш ҳамда илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиш энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 146.

қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони, 2017 йил 24 майдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2995-сонли қарори, 2018 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида»ги Қонуни, 2019 йил 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4307-сонли қарори ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ўзбекистонда демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон ва хорижда Аҳмад Дониш маънавий меросини ўрганиш ва тадқиқ қилиш борасида салмоқли илмий ишлар амалга оширилган. Бироқ бу борадаги тадқиқотларда муаммонинг биз тадқиқ қилаётган жиҳатлари бошқа масалалар билан умумий алоқадорликда кўриб чиқилган.

Аҳмад Донишнинг замондошлари ва шогирдлари Мирзо Азим Сомий (1835-1907 й.), Мирза Салимбек (1850-1930 й.), Шамсиддин Шоҳин (1859-1894 й.), Шарифжон Маҳдум Садри Зиё (1865-1931 й.), Садриддин Айний (1878-1954 й.) сингари ижодкорлар томонидан маҳаллий тилларда битилган асарлар, хотиралар, эсдаликларда ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва мутафаккир сиёсий қарашлари таҳлил қилинган.

Совет ҳокимияти даврида Е. Бертельс, И.Мўминов, А.Мирзоев, С.Улуғзода, А.Қосимзода, А.Богоутдинов, А.Муҳаммаджонов, Л.Епифанова, З.Ражабов, Р.Ҳодизода, Б.Ғафуровлар Аҳмад Дониш илмий меросини ўрганганлар. Ушбу манбавий аҳамиятга эга бўлган ишлар Аҳмад Дониш ижтимоий-сиёсий қарашларини ўрганиш ва тадқиқ қилишда, тегишли хулосалар чиқаришда асос бўлиб хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида яратилган тадқиқотлар доирасида Аҳмад Дониш қарашларига сиёсатшунослар томонидан адолат, фуқаролик жамияти, раҳбар маънавияти, сиёсий етакчи, давлат мустақиллигига таҳдид солиши мумкин бўлган омиллар, ижтимоий қатламлар, адолат мезони, мафкуравий ёндашувлар каби кўпдан-кўп масалалар юзасидан тарихийлик ва замонавийлик контекстида эътибор қаратилган. Бу жиҳатдан Н.Жўраев, Ш.Пахрутдинов, Б.Туйчиев, И.Эргашев, Т.Жўраев, М.Бекмуродов, А.Қодиров, Т.Алимардонов, В.Кўчқоров, Н.Назаров, Ф.Мусаев, Ф.Равшанов, О.Муҳаммадиева, М.Қирғизбоев сингари олимларнинг тадқиқотлари мавзу мазмунини очиқ беришда муҳим назарий-

методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Хорижлик М.Холдсворз, Ж.Бечка, С.Беккер, А.Кюгельген, Рональд Кон, Джесси Рассел, Ф. Веннберг<sup>2</sup> каби олимлар томонидан Аҳмад Дониш илмий меросининг муайян қирралари қисман тадқиқ этилган.

Юқоридаги изланишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухородаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳамда Аҳмад Дониш сиёсий қарашлари алоҳида диссертацион тадқиқот доирасида, шунингдек, бугунги мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий мақсадлари ва манфаатларига мослик, тарихий мероснинг келажак билан мувофиқлиги нуқтаи назаридан комплекс ўрганилмаган. Аҳмад Дониш ҳаёти ва унинг бой илмий-маънавий мероси, ижтимоий-сиёсий ғоя ва қарашларини атрофлича, мукаммал ўрганиш борасида мустақиллик мафкураси ҳамда миллий манфаатлар ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида таҳлил қилиш, масала моҳиятига ёндашувда тарихийлик, холислик, хронологик изчиллик тамойилларига амал қилиб, яхлит илмий хулосаларга келиш зарурати мавжуд.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан мувофиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университетининг I. “Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг тарихий илдизлари, маънавий-мафкуравий ва ҳуқуқий асослари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Бухоро амирлигида XIX асрнинг иккинчи ярмида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларни Аҳмад Донишнинг сиёсий қарашлари ва ғоялари асосида бугунги кун нуқтаи назаридан очиқ беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухорода ижтимоий-сиёсий фикр ривожининг асосий омиллари, ўзига хослик ва умумийлик тенденциялари, ижтимоий-сиёсий қарашлар тизимининг шаклланиши, бу борада зиёлиларнинг фаолиятини очиқ бериш;

Аҳмад Дониш ижтимоий-сиёсий қарашларининг шаклланиши, алломанинг сиёсат ва ижтимоий ҳаётга доир қарашларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш;

мутафаккирнинг давлат бошқарувидаги адолат ва сиёсий тенглик тамойиллари, бошқарувни ислоҳ қилиш, модернизациялаш, замонавийлаштириш ва халқ манфаатларига яқинлаштириш тўғрисидаги қарашларига илмий баҳо бериш;

қомусий олимнинг фуқаролик жамияти тўғрисидаги қарашлари, бошқарувни модернизациялаш талаблари, сиёсий етакчилик хусусиятлари, ислохотчилик ва ташаббускорлик салоҳияти билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш;

Аҳмад Дониш қарашлари тизимида давлат хавфсизлиги ва мудофааси ҳамда ташқи сиёсат масалаларини очиқ бериш;

Аҳмад Дониш ижтимоий-сиёсий қарашларининг ҳозирги замон учун аҳамияти, маънавий юксалиш, тарихий давлатчилик анъаналаридан замонавий бошқарув ва унда жамият иштироки масалаларидаги қарашларини баҳолаш орқали тарихий хотира воситасида замонавий жамиятни демократлаштириш ва ривожлантиришга оид илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан

<sup>2</sup> Мазкур тадқиқотчилар асарлари диссертациядаги “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да келтирилган.

иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** XIX аср иккинчи ярмида Бухоро амирлигидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар таҳлили ҳамда Аҳмад Донишнинг бу борадаги ижтимоий-сиёсий қарашлари тизими ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети.** Аҳмад Дониш яшаган даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, бошқарув тизими ва жамият ҳаёт тарзи билан боғлиқ мутафаккир қарашлари ва унинг асарларини сиёсий фан нуқтаи назаридан ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий изланишлар олиб боришнинг тизимли ёндашув, тарихийлик, холислик, қиёсий-хронологик таҳлил, ворисийлик ва замонавийлик, мантиқийлик каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

XIX аср иккинчи ярмида Бухоро амирлигида мустамлака шароитида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар сиёсий институционал тизим ва бошқарув механизмлари (давлат ҳокимияти, қонунчилик тизими, бошқарув идоралари, ҳуқуқий меъёрлар, ҳокимият тузилмалари, сиёсий режим) очиб берилган;

Бухоро амирлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётида илдиз отган салбий (тамагирлик, мансабни суиистеъмол қилиш, кадрлар қўнимсизлиги, уруғ-аймоқчилик, табақавий, тоифавий ва диний зиддиятлар каби) омилларни бартараф этиш борасида мутафаккир томонидан илгари сурилган, яъни лавозимга қўйишда насл-насабига, тажрибасига, обрў-эътиборига, айниқса, сайланиши лозимлигига оид ғоялари илмий асосланган;

Аҳмад Донишнинг жамият бошқаруви ҳақидаги концепциялари (сиёсат, адолатли ҳукмдор, давлат ва жамиятни идора қилиш, мудофаа тизими ҳамда ташқи сиёсат) моҳиятидан келиб чиқиб, мутафаккирнинг сиёсий феномен эканлиги очиб берилган;

мутафаккирнинг давлат бошқарувини модернизациялаш ва ривожлантиришга оид (тенглик, легитимлик, парламентаризм, сайлов, ижтимоий ҳимоя, ҳамжиҳатлик кабилар тўғрисидаги) қарашларининг бугунги кундаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва жамиятни демократлаштиришга доир ислохотлар билан ҳамоҳанг эканлиги кўрсатиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** куйидагилардан иборат:

Аҳмад Дониш ўзининг илғор ижтимоий-сиёсий қарашлари билан сиёсий фанлар ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшганлиги ҳужжатлар, далиллар, қарашлар, таҳлиллар асосида холисона баҳоланган;

мутафаккир ижтимоий-сиёсий қарашлари ўзи яшаб турган давр талабларидан илгарилаб кетганлиги, амирлик бошқаруви шароитида ушбу ғоялар амалда жорий этилишининг имконияти мавжуд эмаслигининг сабаб ва омиллари очиб берилган;

Аҳмад Дониш ижтимоий-сиёсий қарашларидаги давлат бошқаруви ва ҳукуматни идора қилиш билан боғлиқ ислохотчилик тенденциялари, кадрларга муносабат масалалари ўрганилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК рўйхатига кирган махсус ва



хорижий мамлакатлар журналларида чоп этилган мақолаларда Аҳмад Донишнинг қўлёзма асарлари ҳамда унинг расман нашр этилган китобларига таянилганлиги, ҳужжатлар билан асосланганлиги ҳамда замонавий тадқиқот усулларидан фойдаланилганлигида ўз аксини топган. Хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан татбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти давлатни бошқариш усулларини демократлаштириш, замонавий раҳбар кадрлар тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш, дипломатия ва ташқи сиёсат, муҳофаа тизимини такомиллаштириб, ислоҳ қилиб бориш каби давлат дастурларининг бажарилишини оптималлаштиришга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, “Ўзбекистонда сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи”, “Фуқаролик жамияти”, “Сиёсатшунослик”, “Жаҳон сиёсий-мафкуравий таълимотлар тарихи”, “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” фанларини ўқитишда ҳамда Шарқ сиёсий таълимотлари тарихи ва назарияси бўйича фундаментал тадқиқотлар яратишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот бўйича берилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

XIX аср иккинчи ярмида Бухоро амирлигида мустамлака шароитида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар сиёсий институционал тизим ва бошқарув механизмлари (давлат ҳокимияти, қонунчилик тизими, бошқарув идоралари, ҳуқуқий меъёрлар, ҳокимият тузилмалари, сиёсий режим) илмий-назарий асосларда тадқиқ этилган хулосалар ҳамда Аҳмад Донишнинг сиёсий қарашлари билан боғлиқ маълумотлардан олий ўқув юртларининг бакалаврият таълими йўналишларида ўқитилаётган “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”, “Фуқаролик жамияти”, Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши ўқув режасидаги “Ўзбекистонда сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи” ва “Жаҳон сиёсий-мафкуравий таълимотлар тарихи” каби фанлар бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 декабрдаги 89-03-4482-сонли маълумотномаси). Илмий-тадқиқот иши натижалари мазкур фанларни ўқитиш сифатини оширишга хизмат қилган;

Бухоро амирлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётида илдиз отган салбий (тамағирлик, мансабни суистеъмол қилиш, кадрлар қўнимсизлиги, уруғ-аймоқчилик, табақавий, тоифавий ва диний зиддиятлар каби) омилларни бартараф этиш борасида мутафаккир томонидан илгари сурилган, яъни лавозимга қўйишда насл-насабига, тажрибасига, обрў-эътиборига, айниқса, сайланиши лозимлигига оид ғоя ва қарашлар тизимига доир илмий хулосалардан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фаолияти самарадорлигини оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2018 йил 27 декабрдаги №01-801-сонли маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фаолиятида Аҳмад Донишнинг инсон ҳуқуқлари, адолатли давлат бошқаруви ва жамиятни идора қилишдаги ислохотчилик ғоялари,

миллий менталитетни сақлаш, хусусан, мустақилликни қадрлаш тафаккурини бойитишда ўтмишдаги мутафаккирларнинг илмий меросини ўрганиш, маънавий юксалиш ва ёш авлод тарбияси, шунингдек, ўтмишдан замонавий жамиятга мерос бўлиб ўтган ижобий жиҳатлар ҳамда ҳозирги жамиятни ривожлантириш юзасидан ва келажакда амалга ошириладиган жараёнлар учун дастурлар ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшган;

Аҳмад Донишнинг жамият бошқаруви ҳақидаги концепциялари (сиёсат, адолатли ҳукмдор, давлат ва жамиятни идора қилиш, муҳофаза тизими ҳамда ташқи сиёсат) моҳиятидан келиб чиқиб, мутафаккирнинг сиёсий феномен эканлигига доир хулосалар ҳамда Аҳмад Дониш шахсиятига хос қирралар, қўлёзма асарлари ва улардаги қимматли маълумотлардан Бухоро давлат бадиий-меъморчилик музей-қўриқхонаси экспозициясини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 10 январдаги 01-12-10-127-сонли маълумотномаси). Мазкур хулосалардан Бухоро давлат бадиий-меъморчилик музей-қўриқхонасининг истиқболли иш режаси ҳамда илмий лойиҳалари бажарилишида, турли семинарлар, тарғибот материаллари, дебат ва давра суҳбатларида фойдаланилган ҳамда кўргазмаларда амалиётга татбиқ этилган ҳужжатлар фонди бойитилишига ҳисса қўшган;

мутафаккирнинг давлат бошқарувини модернизациялаш ва ривожлантиришга оид (тенглик, легитимлик, парламентаризм, сайлов, ижтимоий ҳимоя, ҳамжиҳатлик) қарашларининг бугунги кундаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва жамиятни демократлаштиришга доир ислоҳотлар билан ҳамоҳанг эканлиги, қарашлари ва сиёсий-маънавий мероси, ёш авлодда фан ва маданиятга эътибор туйғуларини тарбиялашга қаратилган ғоялари, ҳарбий соҳада ислоҳотларни амалга ошириш, ташқи сиёсат масалалари, фуқаролик жамияти барпо этиш, парламент бошқаруви ҳақидаги тавсия ва таклифлари бўйича Бухоро телеканалининг “Менга сўз беринг”, “Муносабат”, “Ассалом, Бухоро” ҳамда “Паёми рўз” телекўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 24 январдаги № 02-15/256-сонли маълумотномаси). Мазкур хулосалар ушбу телекўрсатувлар учун тайёрланган материаллар мазмунининг мукамал ва илмий далилларга бой бўлишида, шунингдек, кўрсатувлар илмий-оммабоплигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича 24 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (6 таси республика, 1 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий қисми иловаларсиз 138 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“XIX аср иккинчи ярми Бухоро амирлигидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида Бухоро амирлигида ўрганилаётган даврда ўта мураккаб ва зиддиятли ижтимоий-сиёсий жараёнлар кечганлиги, шунингдек, тараққийпарварлик ҳаракати пайдо бўлишига сабаб бўлган омиллар, босқичлар ва унинг моҳияти масалалари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Россия империяси XIX асрнинг иккинчи ярмида амирликда протекторат тартибини ўрнатиши билан амалда мустақиллик тугатилиб, мамлакат империяга қарам бўлиб қолди. 1868 йил 23 июнда Бухоро амирлиги билан чор Россиясининг нотенг шартномаси ва ушбу шартноманинг 1873 йил 24 сентябрдаги битим билан мустақамланиши амирликни ярим мустамлакага айлантирди.

Мазкур бобда XIX аср охирида ижтимоий-сиёсий қарашлар тизимидаги ўзгаришлар динамикаси, ўзига хослик ва умумийлик тенденцияларини бирламчи манбалар орқали очиб беришга ҳаракат қилинди. Ғарбда ва Шарқ мамлакатларига нисбатан устувор евроцентризм, буюк давлатчилик шовинизми, мустамлакачилик ва умумбашарий ҳакамлик сари интилиш билан боғлиқ бўлган ғоявий-сиёсий амалиёт шаклланганлиги, пировардида, ҳар икки цивилизацияга мансуб халқлар, мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар заифлашганлиги тадқиқ қилинди. Охир-оқибатда Марказий Осиё ҳудуди жаҳон сиёсатининг чекка, иккинчи даражали объектига айланиб борар экан, минтақадаги сиёсий-маъмурий тизим замон талабларидан ортда қолди. Қарийб уч аср давом этган сиёсий инқироз ва ўзаро низолар оқибатида минтақа халқлари бир юз ўттиз йиллик сиёсий, иқтисодий, маънавий қарамликка дучор бўлди. Диссертацияда ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг назарий-методологик асослари далиллар орқали очиб берилди. Шунингдек, тараққийпарварларнинг инсон ҳуқуқлари, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш ва интилишлари икки босқичда кечганлиги, мавжуд тузум ва тартибларни танқид остига олиш, дунё маданий янгиликларини синтез қилган ҳолда аجدодлардан қолган бой маданий меросни ўрганиш, модернизациялашган Европа бошқариш тизимини тарғиб қилиш, замонавий илм-фанни эгаллашга интилиш, илмий янгиликларни ўзлаштириш каби масалаларга эътибор қаратилди.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигида элликдан ортиқ атоқли давлат арбоблари, сиёсатдонлар, тарихшунослар, фикҳ илми уламолари, адабиётшунос олимлар, шоирлар, элчилар ва илғор фикрли савдогарлар фаолият кўрсатиб, асарлар яратдилар. Улар орасида ҳамон махсус тадқиқотга жалб қилинмаган кўплаб шахслар борки, уларнинг асарлари XIX

асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари сиёсий тарихининг тўла очилмаган саҳифаларини ойдинлаштиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий ҳаёт тарзи ранг-баранг бўлганлиги сабабли ижтимоий гуруҳлар ўртасида турли зиддиятли ҳолатлар туфайли ижтимоий табақалар орасида тафовут кучли бўлиб, амирликнинг молиявий-иқтисодий ва сиёсий тизими маълум маънода издан чиққан эди. Сарой аҳли ва амалдорларининг иқтисодий таъминотини таъминлаш мақсадида давлат бюджетидан катта чиқимлар қилинар, харажатларнинг ўрнини қоплаш учун эса оддий халққа янгидан-янги солиқлар солинар эди. Давлатда порахўрлик, бошқарувда суиистеъмолчилик, коррупция, уруғ-аймоқчилик, мазҳабчилик каби салбий тенденциялар авж олди. Диссертациянинг ушбу бобида XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлиги “донсиз тузоқ”қа айланганлиги, олимлар икки гуруҳга ажратилиб, улар сарой олимлари ва саройдан четда бўлган олимлар сифатида фаолият юритганлиги масалаларига эътибор қаратилган.

Хуллас, Бухоро амирлигида XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий вазият ва жамиятнинг маънавий-ахлоқий ҳолати ва унга танқидий ёндашувнинг дастлабки сиёсий тус олиш жараёнлари ҳамда сиёсий институционал тизимни модернизациялаш ғояларининг тарихий-сиёсий илдизлари Аҳмад Дониш даври жараёнлари, унинг замондошлари фаолияти мисолида аниқлаштирилди.

Диссертациянинг **“Аҳмад Донишнинг сиёсат ва сиёсий жараёнлар тўғрисидаги қарашлари”** деб номланган иккинчи бобида Аҳмад Дониш ижтимоий-сиёсий қарашларининг шаклланишига таъсир этган сабаб ва омиллар, уларнинг чуқур тарихий илдизларини аниқлаштиришга ҳаракат қилинди.


Аҳмад Дониш дунёқарашининг шаклланиши ва ўсишида, аввало, ўзидан олдин яшаб ўтган Шарқ алломаларининг давлат ва сиёсат соҳасидаги қарашлари муҳим ўрин тутди. Унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ва бунёдкорлик ғоялари ўз давридаги жамият мавжуд ҳолатига нисбатан илғор, олға қараб ташланган қадам бўлиб, улар ҳозир ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмаган.

Аҳмад Дониш сиёсат ва фан соҳасидаги янгилик ва ютуқларни, замонавий таълим жараёнларини амалиёт билан узвий боғлиқ равишда олиб бориш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқди. Бироқ консерватор сарой элитасининг қатъий қаршилиги илм-фан ютуқларини амалда жорий этишдек либералистик ёндашувга тўсқинлик қилиши, ҳатто, давлатнинг биринчи раҳбари ҳисобланган амирларнинг қаршилигига учраш ҳолатлари мутафаккирда кескин танқидий кайфиятни кучайтирди. Жамиятдаги инқирозли ва беқарор сиёсий жараёнлар, амир ва унинг амалдорлари билан оддий халқ муносабатларидаги догматизм, бевосита ва билвосита тарзда Аҳмад Донишда сиёсий позиция ўзгариши билан боғлиқ сиёсий малака пайдо қилиши шубҳасиз эди. Ўтмишдаги хонликлар ва кўшни давлатлар ўртасида юз берган тўқнашув, келишмовчилик ва зиддиятлар ўрнини чор Россиясининг сиёсат саҳнаси эгаллаб борганлиги, ички келишмовчиликлар чор Россиясининг мустамлакаси шароитида Бухоро амирлиги салтанати инқирози чуқурлашганини Аҳмад Дониш теран тафаккури ва идроки орқали тўла англаб етган эди. Аҳмад Дониш илмий салоҳиятини шакллантирган омил алломанинг бир

давлатдан бошқа давлатга, амирлик бекликларига саёҳати ва кўчиб юриши, турли этник гуруҳга мансуб кишилар билан мулоқотлари натижасида тўпланган катта ҳаётий ва амалий тажрибаси туфайли эканлиги тадқиқотда хронологик изчилликда очиб берилди. Диссертацияда Аҳмад Донишнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари бугунги давр учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмагани ва долзарб бўлиб қолаётганлиги, Ўзбекистон Республикасида ҳукукий-демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини яратишда мустақиллик учун курашган ушбу аجدодимиз қолдирган мерос ва сиёсий-тарихий тажрибани ўрганиш зарурати мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Аҳмад Дониш халқ ҳокимиятчилигига асосланган озод жамиятни, фуқароларнинг сиёсий жиҳатдан тенг ҳуқуқли бўлишини, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва бурчлари муштарақлигини, ҳар бир аҳоли қатлами ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиши зарурлиги каби масалаларни илгари сурди. Унинг, ҳатто, ҳажвий шеърлари, чизган суратлари сиёсий ҳаётга ҳамда амир Дониёлдан амир Абдулаҳадгача бўлган Бухоро амирлари ҳар бирининг бошқарув йиллари ҳамда давр тенденциялари, жараёнлари хусусида сиёсий тарихимизга оид улкан тадқиқотни амалга оширди, ҳукмдорларнинг сиёсий портретларини холисона, объектив тасвирлай олганлиги таҳлил қилинади. Аҳмад Дониш Бухоро амирлигининг чор Россияси томонидан енгилиши сабабларини айтади (1-жадвал). Унинг фикрича, хавфсизлик хизматининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, адолатсизликка асосланган сиёсий-иқтисодий тизим истилони тезлаштирди.

#### 1-жадвал



Хуллас, Аҳмад Донишнинг Бухородаги Манғит амирлари ҳукмронлиги даврида ижтимоий-сиёсий қарашлари шаклланиб ва ривожланиб бориши масаласи ўрганилар экан, мутафаккир ўз асарларида холисоналик, адолат, халқпарварлик тамойилларини янги ғоялар асосида илгари сурганлиги ойдинлашади. Бухородаги давлат бошқаруви ва ҳукмдорлар фаолияти хусусида сўз юритар экан, юрти ва халқи аҳволини, ҳар бир табақа ва ижтимоий қатлам ҳаётини бутун мураккаблиги ва зиддиятлари билан тасвирлаб беради.

Жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш ва адолатли давлат барпо этиш инсонпарварлик ғояларининг тамал тоши ҳисобланади. Адолатли тузум ва одил сиёсий институционал тизим барпо этиш масалалари тарихнинг барча босқичларида илғор фикрли арбоблар ва мутафаккирларни қизиқтириб келади. Чунки инсоннинг энг эзгу орзу-истаклари фақат адолат қарор топган

жамиятдагина рўёбга чиқиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Халқимиз азалдан юксак кадрлаб келадиган, ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтиришни биз биринчи даражали вазифамиз, деб ҳисоблаймиз”, деб таъкидлади. Мутафаккир Аҳмад Дониш Амир Шоҳмуродни халифа Умар билан бир қаторга қўйиб, “Амирлик гиламини камбағаллик кийими билан безади, жаҳон боғидан душманлик ва ёмонлик томирини суғуриб ташлади ва адолат ниҳолларини ўтказди”, деб ўз тасаввуридаги адолатли подшони ушбу амир тимсоли орқали илгари сурди.

Мутафаккир Аҳмад Дониш халқ ҳокимиятчилиги, фуқароларнинг сиёсий жиҳатдан тенг ҳуқуқли бўлишини таъминлаш, қонунларга итоат этиш, ижтимоий ҳаётга фаол ҳамда масъулиятли ёндашув кабиларда ўз тавсия ва қатъий қарашларига эга эди. Аҳмад Дониш назарий қарашларида фуқаролик жамиятини шакллантириш тенденциялари мавжуд эдики, улар истиқболда жадиличлик ҳаракати ва прогрессив амалдорлар учун маънавий асос бўлиб хизмат қилди.

Аҳмад Дониш фақат назариётчигина эмас, балки амалиётчи бўлиб ҳам майдонга чиқади. Давлатда амалга оширилиши зарур бўлган демократик ислохотлар лойиҳасини ишлаб чиқади, уни ҳаётга татбиқ қилиш учун Бухоро амирига тавсия этади. Аҳмад Дониш лойиҳасига асосан давлат бир гуруҳ кишилар эҳтиёжларини қондириш учун эмас, балки умумхалқ манфаатларига, аввало, кенг халқ оммаси манфаатларига хизмат қилиши учун, мамлакатда фаровонлик ва тўқин-сочинликни таъминлаш учун, юртни обод этиш, раиятга барча имкониятларни яратиб бериш учун хизмат қилмоғи даркор. Унинг фикрича, адолатни таъминлашнинг бирдан-бир йўли – давлат раҳбарининг маърифатпарвар, билимдон, одил, эл-юрт манфаатлари йўлида хизмат қиладиган бўлиши, ҳар қандай масалани ҳал қилишда ўзини оддий фуқаро ўрнида кўра олиши. Бу давлат ва жамият қудратининг муҳим омилдир. Агар адолат нуқтаи назаридан ўйлаб қаралса, дейди Аҳмад Дониш, ҳар ким ўз ери билан қаноатланиши керак. Аҳмад Дониш сиёсий қарашларининг муҳим жиҳати – ҳозирги демократик қадриятларга мос келадиган давлат бошқарувини амалга ошириш ғоясидир. Аҳмад Дониш таъбирича, мамлакатда фуқаролик жамиятини қарор топтириш учун қонун қабул қилиш, қонунларнинг ижросини таъминлаш, улар устидан назорат ўрнатиш, давлат ишларини қаттиқ тартиб билан олиб бориш зарур. Шунинг учун у “Давлат бошлиғи ва лавозимдаги кишилар, мажлислар ўтказиш тартиби, лавозимдаги кишиларнинг муносабати, оилавий муносабати, бошқа халқлар билан муносабатини тартибга солиб турадиган қонун ишлаб чиқариш керак<sup>3</sup>”, деб ёзади.

Аҳмад Дониш ижтимоий-сиёсий қарашларида ўзи яшаган давр таъсири ва зиддиятли жиҳатлар мавжуд бўлиб, халқ орасида маърифат тарқатиш орқали адолатли тузумга эришмоқчи бўлди, одил подшоҳ тўғрисидаги ўзининг идеал ғояларини илгари сурди. Унинг фикрича, агар подшоҳ ҳамма соҳада одил сиёсат олиб борса, халқ касб-ҳунарини гуллаб-яшнатишга шароит яратиб берса, бошқа мамлакатлар билан савдо-сотик ишларини ривожлантирса, мамлакат обод, халқнинг ҳаёти фаровон бўлади. Мутафаккир фикрича, “Раҳбар – манба, булок,

---


<sup>3</sup> Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақое. Т.: Фан, 1964. – Б. 71.

унинг атрофидагилар сойлар, улар сувни булоқдан оладилар”. Демак, барча маърифат, эзгулик, адолат, мамлакат равнақи, мустақил ҳаёт шу манбага боғлиқ. Раҳбар кадрлар тайёрлаш ва танлашда Аҳмад Донишнинг илмий мероси қимматли манбадир. Мутафаккир давлат ҳукмдорларининг бошқарув тажрибасини ўрганиб, давлат бошқарувининг ахлоқий концепциясини ишлаб чиқди ҳамда уни “Наводир ул-вақое” ва бошқа бир қатор асарларида баён этди. Бошқарувда машварат (кенгаш) ўтказиш муҳимлигини, жамият аъзолари тенг ҳуқуқли ва тенг мажбуриятларга эга бўлишлари лозимлигини уқтиради.

Аҳмад Дониш давлатни бошқариш ишларидан жуда яхши хабардор, бу борада ўзи ҳам катта ҳаётий тажрибага эга бўлганлиги учун демократик ислохотларни амалга ошириш ҳамда жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг кафолатланган воситалари ва ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Адолатли бўлиш, қонунда ўрнатилган тартибга итоаткорлик – адолатли давлатнинг энг муҳим белгиси.



Аҳмад Дониш XIX аср 70-йиллари охирида адолатли давлат ҳақидаги тасавурларига мос келмайдиган давлат хизматини ихтиёрий тарк этади. У мазкур воқеа ҳақида шундай ёзади: “...кўшин ва ҳокимларга хизмат қилишдаги тартибнинг йўқлиги туфайли саройда хизмат қилиш менга оғир ва натижасиз кўринди, мен таклиф ва эътирозларга қарамай, саройдан кетдим ва мадрасага жойлашиб, қуруқ нонга қониқиш ҳосил қилдим”. Бухоро амирлари алломадаги

қомусий билим ва салоҳиятни ҳисобга олиб, элчилар сафида Россияга уч бор сафарга юборади. Бу сафарлар ундаги ҳукмрон доираларга нисбатан бўлган танқидий муносабатни янада чуқурлаштиради. Чунончи, 1869 йили элчилар билан Россияга қилган сафарини баён этар экан, амир элчисининг нодонлигини жуда кўп далиллар билан кўрсатиб беради. Аҳмад Дониш элчи ақлли, маданиятли, тадбирли бўлиши, давлатнинг шаънини сақлай билиши, бошқа давлатларнинг тилини, урф-одатини ўрганган бўлиши керак, дейди.

Мамлакатдаги раҳбарлар хулқ-атворини, уларнинг халққа нисбатан кўрсатган адолатсизлигини, порахўрлик орқали мансаб лавозимларини мерос қилиб ўтказиш анъанаси, уруғ-аймоқчилик илдиз отганлиги, мансабдорлар чексиз имтиёзларга эгалиги каби иллатлар мутафаккир томонидан раҳбарларни тарбиялаш ва танлашга оид рисола яратилишига асос бўлди. Амирликда мансабларни эгаллашдаги ворисийлик анъанасига аллома қатъий қарши чиқди.

Аҳмад Дониш жамиятни бошқариш ва тузумни ўзгартириш фикрини илгари сурди. Адолатли давлат тузумини шакллантириш ғоясига қаратилган махсус рисола ёзди. У жамиятни бошқаришда фақатгина шариат қонун-қоидалари билан иш кўриш эмас, балки замонавий-дунёвий бошқарув тизимини ҳам таклиф этди. Ижтимоий ҳимоя масалаларини кун тартибига долзарб қилиб кўйди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Аҳмад Донишнинг сиёсий таълимотлар ривожига кўшган ҳиссаси**” деб номланади. Ушбу бобда Аҳмад Донишнинг давлат бошқаруви ва тузилмаси, давлат мудофаа тизими ҳамда ташқи сиёсат масалаларига муносабати ҳамда қарашлари ўрганилган. Аҳмад Донишнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув тизимини тубдан ўзгартириш ҳақидаги мулоҳазаларида Манғит амирлари ҳамда давлат амалдорлари хатти-ҳаракатларини аёвсиз танқид остига олиши эътиборни тортади. Шунингдек, мамлакат аҳамиятига молик ҳар бир ишни “Дорул-машвара” (“Мажлислар уйи”) ёхуд ҳозирги даврдигдек, Парламент орқали амалга ошириш ғоясини биринчилардан бўлиб илгари сурди.

Аҳмад Дониш таклиф этган “Дорул-машвара” амир саройидан ташқарида очилиши керак эди. Агарда у подшоҳ ҳузурида ташкил этилса, аъзоликка сайланган шахслар ўз фикрларини эркин билдира олиш имкониятлари чекланар эди. “Дорул-машвара” аъзолари мамлакат халқининг турли табақа вакиллари орасидан энг ақлли, кўпни кўрган, тажрибали ва илмли кишилардан сайланиб, Аҳмад Дониш уларга маош тўланишини тавсия этади. Кенгаш пайтида аъзолар халқ ҳамда давлат манфаатларини кўзлаб, фикр юритиб, улар қайси қарорга келсалар, у ишларни амалга оширсин. Қабул қилинган қарорлар султонга тақдим этилсин, у ҳам шу қарорга қўшилса, ижроси таъминласин<sup>4</sup>, деб ёзади аллома. Аҳмад Дониш давлатнинг асосини адолатли тахт, ҳарбий қўшин, халқ, оқар сув ва хазина билан изоҳлайди.


Шунингдек, ҳар бир лавозимнинг ўзига хос вазифалари ҳамда бошқарувчилик хусусиятларини тушунтириб беради. Жумладан, *элчи* – сўз ва фаҳмлаши юқори бўлиши, *аскар* – шижоатли ва ҳайбатли, *қози* ва *ҳоким* – инсофли ва диёнатли, *вазир* ҳамда *амир* – олий ҳимматли ва ақлли бўлиши лозимлигини айтади. *Зақотчи* – ушр ва хирожларни йиғиб олиши ҳамда молия

